

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИННИГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА РЕАКТИВ ҚУВВАТНИ ҚОПЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайдов Сарвар фатуллоевич  
Осиё халқаро университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Реактив қувватни қоплаш электроэнергетик тизим учун катта аҳамиятга эга бўлиб, электр таъминоти тизимининг фойдали иш коэффицентини ошириш, унинг иқтисодий ва сифат кўрсатгичларини яхшилашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда реактив қувват истеъмолининг ўсиши актив қувват истеъмолининг ўсишидан анча юқори эканлигини инобатга олиб, ўрнатилга қуввати 50 кВт дан юқори бўлган истеъмолчилар реактив қувватни қоплаши мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Реактив қувватни линиялар бўйлаб узоқ масофага узатиш электр таъминоти тизимининг техник-иқтисодий кўрсатгичларини ёмонлашувига олиб келишини инобатга олсак, бу масала ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

### Кириш

Ҳисоблаш натижалари ва статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, саноат корхоналарида реактив қувватнинг асосий қисмини асинхрон юритгичлар (истеъмол қилинаётган умумий реактив қувватнинг 60-65%), трансформаторлар (20-25%), ҳаво электр узатиш йўллари, реакторлар, ўзгартгичлар (10% атрофида) истеъмол қилишига амин бўламиз.

Корхонанинг қувват коэффициенти қандай бўлишилигини “Ўзбекэнерго” ДАК ҳал қиласди, чунки реактив қувватни қоплаш масаласи тўғри ечилигдан истеъмолчилар, электр узатиш йўллари, электр тарқатувчи қурилмалар, трансформаторлар, ўзгартгичлар ва генераторларни ўз ичига олган тизим ишининг эффективлиги таъминланади.

Қувват коэффициенти ( $\cos \varphi = \frac{P}{S}$ ) қанча юқори бўлса, электр тармоқнинг фойдали иш коэффициенти юқори бўлади. Реактив қувватни линия ва трансформаторлар орқали узатиш электр энергиясини кўшимча нобудгарчилигига, кучланиш йўқотувини ошишига ва электр таъминоти тизимига кетадиган ҳаражатларни ортишига олиб келади. Истеъмолчиларнинг самарали ишлаши унгача етиб келадиган кучланиш миқдорига боғлиқлигини кўйидаги мисоллар орқали кўриб ўтамиз:

- 1) Электротермик технологик жараёнларнинг иш режимига кучланишнинг оғиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Кучланишнинг пасайишидан технологик жараённинг давомийлиги узаяди, айрим ҳолларда эса бу жараён бутунлай ишдан чиқади. Индукцион ва қаршилик печларида кучланишнинг 8-10 % камайиши технологик жараённинг тўхташига олиб келади.
- 2) Кучланишнинг оғиши электр пайвандлаш қурилмаларининг ишларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Кучланишнинг пасайиши пайвандланаётган чокларнинг сифатсиз бўлишига олиб келади. Кучланиш 10% га камайганда пайвандлаш вақти 20% га ошади.
- 3) Кучланиш сифатининг ўзгариши ёритиш қурилмаларининг ишига жиддий таъсир кўрсатади. Кучланишни номиналдан 20% га камайса, люминесцент ва газразрядли лампалар умуман ёнмайди. Булардан ташқари кучланишнинг оғиши ёритиш қурилмаларининг ёруғлик оқимларининг ўзгаришига олиб келади ва ишчи-

хизматчиларнинг кўриш қобилиятларини сусайтиради.

4) Вентилли электр юритмалар тизимлари ҳам кучланишнинг оғишига жуда сезгир бўлади. Ўзгарувчан ток кучланишининг оғиши тўғриланган кучланишнинг микдорига таъсир қиласди, бу эса юритгичнинг айланиш частотаси ўзгаришига олиб келади.

Ушбу мисоллардан кўринадики, кучланишининг сифати корхонанинг технологик жараёнига, истеъмолчиларининг энергетик кўрсаткичларига, қурилмаларнинг иш режимларига жиддий таъсир кўрсатади.

Электр узатиш йўлларидан оқадиган реактив қувват кучланиш исрофининг ортишига ҳам олиб келади. Актив қаршилиги ( $R$ ) ва индуктив қаршилиги бўлган электр узатиш йўли орқали актив ( $P$ ) ва реактив ( $Q$ ) қувватлари узатилса, кучланишнинг йўқотуви қуидагича топилади:

$$\Delta U = \sqrt{3}IR \cos \varphi + \sqrt{3}IX \sin \varphi = \sqrt{3} \frac{UI \cos \varphi}{U} R + \sqrt{3} \frac{UI \sin \varphi}{U} X = \frac{P}{U} R + \frac{Q}{U} X = \Delta U_a + \Delta U_p$$

Бу ерда:

$\Delta U_a$  - актив қувватни узатиши билан боғлиқ бўлган кучланиш йўқотуви;

$\Delta U_p$ -реактив қувватни узатиши билан боғлиқ бўлган кучланиш йўқотуви.

Демак, реактив қувват узатилиши натижасида электр таъминоти тизими элементларида қўшимча кучланиш исрофи ( $\Delta U_p = \frac{Q}{U} X$ ) содир бўлиб, унинг микдори электр узатиш йўлидан узатилаётган реактив қувват ( $Q$ ) ва электр узатиш йўлининг индуктив қаршилиги ( $X$ )га тўғри пропорсионал эканлигини инобатга олсак кучланишнинг эффектив қийматининг пасайишига, яъни электр энергиясининг сифатини пасайишига олиб келади. Сифатсиз электр энергия эса истеъмолчиларнинг ишлаш муддатини қисқариши ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатсиз бўлишига олиб келади.

### Хулоса

Юкорида кўриб ўтилган мисоллардан кўринадики, реактив қувватни электр таъминоти тизимида камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш зарур аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Ўз навбатида реактив қувватни қоплаш ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясига тўловларини камайишига, ишлаб чиқариллаётган маҳсулотнинг сифатини ошишига ва қўшимча жарималардан озод бўлишини инобатга олсак, чиқариллаётган маҳсулотнинг тан нархи арzonлашади, маҳсулотнинг сифати ошади бу эса, корхона кўрадиган даромаднинг ошишига замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles K. Alexander Matthew N.O. Sadiku "Fundamentals of Electric Circuits" NEW YORK, 2014.-458 p
2. John Bird. "Electrical and Electronic Principles and Technology" LONDON AND NEW YORK, 2014.-455 p
3. Abidov Q.G',, Qadirova. D.R. «Chiziqli elektr zanjirlarida o'tkinchi jarayonlar» bo'yicha hisob - grafik ishini bajarish yuzasidan uslubiy ko'rsatma. TDTU, 2010.- 36 6.